1.1. На основании приведенных исследований и анализа статей Уголовного кодекса, определяющих понятие и цели наказания, можно сделать следующее определение:

Наказание есть мера принуждения, основанная на принципах Уголовного кодекса, применяемая от имени государства по приговору суда к лицу, виновному в совершении преступления, состоящая в предусмотренных законом лишении и ограничении определенных прав и свобод осужденного, исключающих цель причинения физических страданий и унижение человеческого достоинства наказуемого и признанная судом необходимой и достаточной для исправления осужденного, пресечения преступной деятельности и предупреждения совершения новых преступлений как осужденным, так и другими лицами.

II. В области совершенствования уголовного законодательства и правоприменительной практики предлагается:

2.1. статью 43 часть один Уголовного кодекса дополнить пунктом «e¹) лишение свободы на длительный срок»;

2.2. статью 43 Уголовного кодекса дополнить частью пять следующего содержания:

«Степень строгости наказаний определяется той последовательностью, которая указана в части первой настоящей статьи».

2.3. внести следующие изменения в статью 44 Уголовного кодекса:

- часть третью изложить в следующей редакции: *«В случае уклонения осужденного лица от уплаты штрафа, назначенного в качестве наказания, в сроки, установленные для принудительного исполнения, либо невозможности взыскания штрафа в течении срока, установленного для принудительного исполнения, из-за отсутствия у должника имущества, на которое может быть обращено взыскание, а равно при неуплате штрафа по истечении срока отсрочки или нарушении условий уплаты штрафа в рассрочку, суд вправе лицу, уклоняющемуся от его уплаты, заменить штраф на любое другое более строгое наказание, предусмотренные санкцией статьи Особенной части настоящего кодекса, по которой он признан виновным, в пределах, установленных санкцией данной статьи»;*

- дополнить частями 4 и 5 следующего содержания:

«В случае уклонения лица, которому наказание в виде штрафа было заменено на исправительные работы, ограничение по службе или ограничение свободы, от отбывания нового наказания, суд может повторно рассмотреть вопрос о замене ему наказания в виде штрафа на другое, более строгое наказание в порядке, предусмотренном частями три настоящей статьи.

В случае назначения осужденному наказания в виде штрафа по совокупности преступлений или по нескольким приговорам вместе с наказаниями в виде направления в дисциплинарную часть или лишения свободы, трехмесячный срок уплаты штрафа исчисляется со дня отбытия осужденным данных видов наказания. Неисполнение наказания в период отбывания наказания в виде направления в дисциплинарную часть или лишения свободы не засчитывается в срок давности исполнения наказания, установленный п. «а» части 1 статьи 69 настоящего Кодекса»;

2.4. статью 61 часть 2 Уголовного кодекса изложить в следующей редакции:

«Наказания в виде штрафа и лишения определенного права при сложении друг с другом, а также с лишением свободы, направлением в дисциплинарную часть, ограничением свободы, ограничением по службе, исправительными работами, обязательными общественными работами приводятся в исполнение самостоятельно»;

2.5. статью 19 Уголовно-исполнительного кодекса дополнить частями четыре и пять следующего содержания:

«Отсрочка и рассрочка исполнения приговора может быть применена судом неоднократно, но при этом общий срок отсрочки уплаты штрафа не должен превышать шести месяцев, а общий срок рассрочки уплаты штрафа не должен превышать одного года. Применение отсрочки к рассроченному исполнению приговора и рассрочки к отсроченному исполнению приговора недопустимо.

Отсрочка и рассрочка исполнения приговора не восстанавливает установленные законом сроки добровольной уплаты штрафа. Окончание срока отсрочки или рассрочки исполнения наказания является окончательным сроком уплаты штрафа. Суд может определить исчисление отсрочки или рассрочки исполнения приговора со дня окончания трехмесячного срока уплаты штрафа»;

2.6. часть вторую пункта 17 Постановления Пленума Верховного суда Республики Узбекистан от 3 февраля 2006 года «О практике назначения судами уголовного наказания» изложить в следующей редакции:

«В таком случае срок, установленный частью третьей статьи 44 и частью второй статьи 82 Уголовного кодекса, оканчивается вместе с истечением срока отсрочки (рассрочки) исполнения приговора. Суд вправе определить начало срока отсрочки (рассрочки) исполнения приговора со дня окончания установленного законом срока уплаты штрафа»;

2.7. части три и четыре статьи 50 Уголовного кодекса исключить;

2.8. дополнить Уголовный кодекс статьей 50¹ «Лишение свободы на длительный срок» следующего содержания:

«Лишение свободы на длительный срок устанавливается свыше двадцати, но не более двадцати пяти лет и может быть назначено лишь за умышленное убийство при отягчающих обстоятельствах (часть вторая статьи 97) и терроризм (часть третья статьи 155).

Лишение свободы на длительный срок не может быть назначено

женщине, лицу, совершившему преступление в возрасте до восемнадцати лет, и мужчине старше шестидесяти лет.

Осуждаемым к лишению свободы на длительный срок отбывание наказания назначается в порядке, установленном статьей 50 настоящего Кодекса»;

2.9. санкцию статьи 97 часть 2 Уголовного кодекса изложить в следующей редакции: *«наказывается лишением свободы от пятнадцати до двадцати лет или лишением свободы на длительный срок от двадцати до двадцати пяти лет либо пожизненным лишением свободы»;*

2.10. санкцию статьи 155 часть 3 Уголовного кодекса изложить в следующей редакции: *«наказывается лишением свободы от пятнадцати до двадцати лет или лишением свободы на длительный срок от двадцати до двадцати пяти лет либо пожизненным лишением свободы»;*

2.11. часть четвертую статью 45 Уголовного кодекса изложить в следующей редакции:

«При назначении лишения определенного права, как в качестве основного, так и в качестве дополнительного наказания, вместе с наказанием в виде лишения свободы, или ограничения свободы оно распространяется на все время отбывания осужденным этих наказаний и, сверх того, на срок, установленный приговором для лишения определенного права. При назначении лишения определенного права в качестве основного или дополнительного наказания вместе с другими видами основных наказаний его срок исчисляется с момента вступления приговора в законную силу. Лишение определенного права в виде основного или дополнительного наказания исполняется и в случае признания осуждения лица по другим видам наказания условным и в этом случае исчисляется с момента вступления приговора в законную силу»;

2.12. дополнить статью 45 Уголовного кодекса частью пять следующего содержания:

«В случае уклонения лица от отбывания наказания в виде лишения определенного права в качестве основного наказания оно может быть заменено на другое более строгое наказание в пределах, установленных санкцией статьи Особенной части настоящего Кодекса, по которой ему назначено наказание в виде лишения определенного права. В случае уклонения лица от отбывания наказания в виде лишения определенного права в качестве дополнительного наказания оно может быть подвергнуто административному взысканию в порядке, установленном законодательством»;

2.13. в части первой статьи 73 Уголовного кодекса после слов *«ограничению по службе...»* слово *«или»* исключить, после слов *«исправительным работам...»* добавить *«или лишению определенного права в качестве основного наказания...»*, далее по тексту;

2.14. статью 73 Уголовного кодекса дополнить частью четвертой следующего содержания:

«При назначении наказания в виде лишения определенного права в качестве основного наказания вместе с наказанием в виде лишения свободы или

ограничения свободы сроки, установленные в части третьей настоящей статьи, исчисляются с момента условно – досрочного освобождения осужденного или замены ему наказания на более мягкое в порядке, установленном статьей 74 настоящего Кодекса».

2.15. статью 536 часть 4 Уголовно-процессуального кодекса изложить в следующей редакции:

«Условно-досрочное освобождение от наказания в виде лишения определенного права, назначенного как в качестве основного, так и дополнительного наказания, производится судьей по ходатайству общественного объединения, коллектива, самого осужденного или его защитника»;

2.1.6. Уголовно-исполнительный кодекс дополнить статьей 25¹ следующего содержания:

«Статья 25¹. Последствия неисполнения наказания в виде лишения определенного права

Неисполнение или ненадлежащее исполнение своих обязанностей должностными лицами, осуществляющими исполнение наказания в виде лишения определенного права, либо на которых возложена обязанность выполнения или невыполнения определенных действий, связанных с исполнением данного вида наказания, влечет за собой ответственность в установленном законом порядке.

Уклонение осужденного от наказания в виде лишения определенного права, назначенного в качестве основного наказания, влечет его замену в порядке и пределах, установленных ст. 45 Уголовного кодекса. Уклонение от наказания в виде лишения определенного права, назначенного в качестве дополнительного наказания, влечет за собой ответственность в порядке, установленном Кодексом об административной ответственности Республики Узбекистан»;

2.17. внести следующие изменения в Уголовно-исполнительный кодекс Республики Узбекистан:

в статье 27 абзац 7 после слов *«отбывающими исправительные работы...»* слова *«в иных местах»* исключить,

статью 27 дополнить абзацем 8 следующего содержания: *«контролирует соблюдение администрацией предприятия, учреждения, организации законодательства о труде в отношении осужденных в пределах, установленных для отбывающих наказание в виде исправительных работ»*,

статью 28 дополнить абзацем 3 следующего содержания:

«Не увольнять осужденного без письменного согласия инспекции по исполнению наказаний, соблюдать требования трудового законодательства в отношении осужденных в пределах, установленных для лиц, отбывающих наказание в виде исправительных работ»,

в статье 29 часть 2 слова: *«в местах, определяемых инспекцией исполнения наказаний»* исключить;

2.17. статью 46 часть 4 Уголовного кодекса изложить в следующей редакции:

«В случае уклонении в общей сложности свыше одной десятой от назначенного срока отбывания исправительных работ суд заменяет неотбытый срок исправительных работ наказанием в виде лишения свободы либо ограничения свободы из расчета три дня исправительных работ на один день ограничения свободы, либо лишения свободы»;

2.18. часть шестую статьи 50 УК дополнить словами: *«При этом наказание указанным лицам может быть назначено ниже низшего предела, предусмотренного санкцией данной статьи».*

2.19. часть десятую статьи 50 УК Республики Узбекистан изложить в следующей редакции:

«Беременным женщинам и женщинам, имеющим детей в возрасте до трех лет, а также лицам, имеющим в соответствии с законодательством право на пенсию по возрасту, совершившим преступления, не представляющие большой общественной опасности, и менее тяжкие преступления, при отсутствии признаков, указанных в ст. 34 УК, наказание в виде лишения свободы не применяется»;

2.20. часть 4 статьи 85 УК Республики Узбекистан изложить в следующей редакции:

«Лицам, совершившим в возрасте до восемнадцати лет преступления, не представляющие большой общественной опасности или менее тяжкие преступления, при отсутствии признаков, предусмотренных ст. 34 УК Республики Узбекистан, наказание в виде лишения свободы не применяется»;

2.21. пункт «ж» части 1 статьи 55 УК исключить;

2.22. наименование и часть первую статьи 60 УК изложить в следующей редакции:

«Определение меры наказания по нескольким приговорам

Если осужденный после постановления приговора, но до полного отбытия наказания, совершил новое преступление и наказание по предыдущему приговору не было полностью отбыто до начала исчисления срока наказания по новому приговору, суд к наказанию, назначенному по новому приговору, полностью или частично присоединяет неотбытую часть наказания по предыдущему приговору»;

2.24. статью 56 ч. 1 УК дополнить пунктом «п» следующего содержания: *«п) совершение нового преступления после постановления приговора, но до полного отбытия наказания, если ему не может быть назначено наказание в порядке статьи 60 настоящего Кодекса»;*

2.25. статью 490 часть 5 Уголовно-процессуального кодекса изложить в следующей редакции: *«Суд вышестоящей инстанции при наличии оснований вправе определить осужденному меру наказания в порядке статьи. 60 Уголовного кодекса, а также признать его особо опасным рецидивистом...»* и далее по тексту.

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.07/13.05.2020.Yu.22.03
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ

НАЗАРОВ МУХАМАТАЛИ АЗИМОВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЖИНОЯТ ҲУҚУҚИДА ЖАЗО
ТАЙИНЛАШ**

12.00.08 – Жиноят ҳуқуқи. Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш.
Криминология. Жиноят-ижроия ҳуқуқи

**Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.1.PhD/Yu348 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Тошкент давлат юридик университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tsul.uz) ва «ZiyoNET» Ахборот таълим порталида (www.ziyo.net.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Рустамбаев Мирзаюсуп Хакимович
юридик фанлар доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Ахмедова Гўзалхон Ўтқуровна
юридик фанлар доктори, доцент в.б.

Палванов Марат Бийембетович
юридик фанлар номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат юридик университети ҳузуридаги DSc.07/13.05.2020.Yu.22.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил 5 июнь соат 14:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100047, Тошкент ш., Сайилгоҳ кўчаси, 35. Тел.: (99871) 233-66-36; факс: (99871) 233-37-48; e-mail: info@tsul.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат юридик университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (914-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100047, Тошкент ш., А.Темур кўчаси, 13. Тел.: (99871) 233-66-36).

Диссертация автореферати 2020 йил 13 мартда тарқатилди.

(2020 йил 13 мартдаги 18 рақамли реестр баённомаси).

У.А.Тухташева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, юридик фанлар доктори, профессор

Д.Г.Камалова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)

Г.З. Тўлаганова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, юридик фанлар доктори, профессор

Кириш (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда жиноятчиликка қарши кураш глобал аҳамият касб этмоқда. Халқаро ҳамжамият, жиноятчиликнинг кўлами ва цивилизация келажаги учун хавфни англаган ҳолда, замонавий халқаро стандартлар ва жиноят қонунчилигини ислоҳ қилишнинг умумий йўналишларини ишлаб чиқиш бўйича глобал саъй-ҳаракатларни бирлаштиришга интилоқда. Жумладан, ҳозирги кунда юридик муҳитда энг кенг тарқалган восита – қамоқхона индекси (ёки «қамоқхона аҳолиси» индекси), ҳар йили эксперт доираларда «World Prison Brief»¹ очик манбаси орқали муҳокама қилинади. Ушбу кўрсаткични пасайтиришга интилан ҳолда, кўплаб халқаро ҳужжатларда «қамоққа муқобил жазо чораларини жорий этишдаги ҳуқуқий тўсиқларни бартараф этиш мақсадида, қонунчиликни қайта кўриб чиқиш зарурлигига»² эътибор қаратилмоқда. Буларнинг барчаси, умумий жиҳатдан, жиноий жазолар тизимини тубдан ислоҳ қилиш, жиноий жазоларни дифференциялаштириш йўли билан жиноятчиликни олдини олиш бўйича самарали чоралар ва механизмларни ишлаб чиқишни таъминлаш долзарблигини кўрсатмоқда.

Жаҳонда жиноятчиликнинг олдини олиш самарадорлигини оширишда энг муҳим чора-тадбирлари сифатида жиноятчиликка қарши курашишнинг жиноят-ҳуқуқий чораларини такомиллаштиришга эътибор берилмоқда. Шунда жазоларни инсонпарварлаштиришга оид стандартларни ҳар бир мамлакатнинг миллий қонунчилигига киритиш, жиноятчиликни профилактика қилиш ва олдини олиш, жиноий жазоларнинг функционал вазибалари ва мақсадларини кенгайтириш, шунингдек, жиноят сиёсати соҳасида жазоларни янада либераллаштириш ва истиқболлари бўйича тадқиқотлар ўтказиш долзарб аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда жиноят қонунчилигини, пенитенциар тизимни ислоҳ қилиш, жиноятчиликка қарши кураш, жазоларнинг инсонпарварлигини таъминлашга катта эътибор қаратилмоқда ва бир қатор мақсадли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. «Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш ва либераллаштириш, алоҳида жиноий қилмишларни декриминаллаштириш, жиноий жазолар ва уларни ижро этиш тартибининг инсонпарварлаштириш»³ мамлакат жиноят қонунчилигини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари сифатида белгиланиб, ушбу соҳани янада тадқиқ этиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мазкур диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ПФ-4947-сонли, 2018 йил 8 августдаги «Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш

¹ <http://www.prisonstudies.org/>.

²Сборник документов Совета Европы в области защиты прав человека и борьбы с преступностью. Б. 125.

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармон // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

концепциясини тасдиқлаш тўғрисида» ПФ–5505-сонли, 2018 йил 22 январдаги «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида»ги ПФ–5308-сонли фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 майдаги «Жинойт ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–3723-сонли қарорида ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга кўмаклашади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг 2012-2020 йиллар учун I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш устувор йўналиши»га мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жиноий жавобгарлик ва жазо тушунчаларини аниқлаш, жазо тизимини, жазонинг айрим турларини ва жазони қўллашнинг умумий қоидаларини ўрганиш муаммоларига кўплаб мамлакатлар олимларининг ишлари бағишланган.

Жумладан, Ўзбекистон Республикасида М.Рустамбоев, М.Усмоналиев, А.Яқубов, М.Ботаев, О.Нарбутаева, С.Яқубов, Б.Усманов, М.Назаров, ва бошқаларнинг асарларида бир қатор тадқиқотлар айнан жазо тайинлаш муаммоларига бағишланган¹.

МДҲ мамлакатларида жиноий жавобгарлик ва жазо муаммолари С.А.Велиев, Д.С.Дядькин, К.И.Джаянбаев, В.К.Дуюков, С.Ф.Милуков, О.В.Старков, А.Ф.Мицкевич, В.А.Никонов, В.Н.Орлов, А.А.Рябинин, М.Н.Становский, А.В.Науомов, Ю.Ф.Беспалов, А.Ю.Беспалов, И.А.Подройкина, Э.Н.Жевлаков ва бошқаларнинг асарларида ўрганилган.

Шунингдек Х.Харт (Буюк Британия), Г.Раш (АҚШ), С.И. Вайберт (Швеция) ва бошқаларнинг ишлари жазо тайинлаш билан боғлиқ муаммоларни ўрганишга бағишланган².

Тадқиқотчиларнинг ушбу муаммога кенг қизиқиши жазо, жиноят билан бир қаторда, жиноий ҳуқуқининг асосий таркибий қисми эканлиги билан изоҳланади. Жазони қўллаш муаммоси жамиятнинг тарихий ва иқтисодий ривожланиши, унинг ижтимоий тузилиши, маданияти ва ҳуқуқий онги даражаси ва бошқа омиллар билан бевосита алоқадор. Шунинг учун жиноят қонунчилиги жазо тайинлаш қисмида доимий динамик ўзгаришда бўлиб, тадқиқотчиларнинг ушбу соҳадаги вазифаси жазо мақсадларига эришиш учун жиноят-ҳуқуқий нормаларини такомиллаштиришнинг энг самарали усулларини аниқлашдан иборат. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят,

¹Ушбу муаллифларнинг асарлари тўлиқ рўйхати диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида берилган.

²Бу ва бошқа манбалар диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида берилган.

Жиноят-процессуал ва Жиноят-ижроия кодексларига, жиноий жазо тайинлашнинг асослари ва тартибига оид бир қатор ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиши, уларни қўллаш амалиётини ҳар томонлама ўрганиш ва умумлаштиришни талаб этиши муносабати билан, кенг қамровли тадқиқотларни олиб бориш ҳамда хорижий давлатлар томонидан ушбу соҳадаги қонунчиликни қўллаш амалиёти зарур.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация мавзуси Тошкент давлат юридик университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Жиноят кодексини такомиллаштириш ва уни қўллаш амалиёти муаммолари», «Глобаллашув шароитида жиноятлар билан курашни такомиллаштириш муаммолари» илмий тадқиқот лойиҳалари доирасида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади судлар томонидан жиноий жазони тайинлаш билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатларни комплекс тарзда ўрганиш, халқаро ва ички нормаларни ва жазо қўлланилиши билан боғлиқ асосий жиноят-ҳуқуқий муаммоларни қиёсий ҳуқуқий таҳлил қилиш, шунингдек, жазони қўллашда жиноят қонунчилиги нормаларни тўғри қўллашга қаратилган илмий жиҳатдан асосланган тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

жазо тушунчасига, унинг моҳиятини, асосий белгилари ва мақсадларини ва жиноят ҳуқуқий муносабатлар тизимидаги ўрнини аниқлаш;

айрим хорижий давлатлар қонунчилигида жазони тайинлашнинг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш ва миллий қонунчилик билан қиёсий таҳлил асосида Жиноят кодексини такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;

жазо тизимини ва айрим турдаги жазоларни ўрганиш, жазо тизимини янги жазо турлари билан тўлдириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

суд амалиётида жазони тайинлашнинг умумий қоидалари бўйича юзага келадиган муаммоларни ва уларни ҳал қилиш усулларини таҳлил қилиш;

жазони тайинлаш билан боғлиқ масалалар юзасидан жиноят қонунчилигини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти Ўзбекистонда жиноий жазони тайинлаш билан боғлиқ жиноят-ҳуқуқий ва бошқа ижтимоий муносабатлар тизими ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети Ўзбекистон Республикаси ва хорижий давлатларнинг ўрганилаётган объектга доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, шунингдек жиноий жазо тушунчаси, жазо турларига оид илмий ишлар ҳамда жазо тайинлашга оид суд амалиётидан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот ўтказишда тадқиқотчи илмий билишнинг умумилмий диалектик усулидан фойдаланган. Бундан ташқари, тарихий, расман-мантқиқий, қиёсий-ҳуқуқий, статистик, социологик, ижтимоий сўров ва тизимли таҳлил каби хусусий илмий услублар фойдаланилган. Мазкур усулларнинг барчаси маълум даражада диссертация

тадқиқоти натижаларининг аниқлиги ва асосланганлигини таъминлашга хизмат қилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

мажбурий жамоат ишлари шаклидаги янги жазо турини жазо тизимига киритиш лозимлиги асосланган;

суд томонидан айблов ҳукмини чиқаришда квалификация қилиш ва жазо тайинлашда айбдорнинг шахсини ҳисобга олиш, шунингдек кейинчалик жазодан озод қилган ҳолда айблов ҳукмини чиқариш ҳамда жазо тайинламасдан айблов ҳукмини чиқариш лозимлиги исботланган;

турли хил жиноий жазоларни тайинлашда суд жазони ўташ шартларини конкретлаштириш ва янада аниқ белгилаш лозимлиги асослаб берилган;

бир неча жиноят содир этганлик учун ва бир неча ҳукм юзасидан узил-кесил жазо тайинлаш ҳамда озодликдан маҳрум қилиш жазо муддатини ҳисоблаш юзасидан таклифлар асослаб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

жазо тизимига янги турдаги «узок муддатли озодликдан маҳрум қилиш» жазони киритиш, шу жазонинг мазмуни ва кўллаш коидалари билан боғлиқ янги моддалар билан тўлдириш ҳамда тегишли моддаларнинг санкциясини ўзгартириш, жарима, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш, ахлоқ тузатиш ишлари, озодликдан маҳрум қилиш жазоларини тайинлаш, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларига ўзгартиришлар киритиш, бир неча ҳукм юзасидан жазо белгилаш, жазоларни қўшишнинг ҳисоблаш, жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш билан боғлиқ масалалари юзасидан Жиноят кодексининг турли моддаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги Қонун лойиҳаси ишлаб чиқилган;

Жиноят процессуал кодексининг тегишли моддасига асосий жазо сифатида тайинланган муайян ҳуқуқдан маҳрум қилишдан озод этиш коидалари билан боғлиқ ўзгартириш киритиш тўғрисидаги Қонун лойиҳаси ишлаб чиқилган;

Жиноят-ижроия кодексига муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазосини ўташ билан боғлиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги Қонун лойиҳаси ишлаб чиқилган;

жазони тайинлаш билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишга қаратилган Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги таклифлар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижалари миллий қонунчилик нормалари, халқаро стандартлар, ривожланган мамлакатларнинг ҳуқуқни қўллаш тажрибаси, ижтимоий сўровлар ва эксперт баҳолари кўринишидаги ижтимоий тадқиқотларга асосланган, статистик маълумотлар таҳлили натижалари умумлаштирилиб, тегишли ҳужжатлар билан расмийлаштирилган.

Жазони қўллашга оид суд амалиётини ўрганиш мақсадида суд-тергов амалиётининг 100 нафар ходими ўртасида сўров ўтказилди, Ўзбекистон Республикаси жиноят ишлари бўйича судлар томонидан кўриб чиқилган, шу

жумладан тадқиқотчининг бевосита иштирокида суд қарорларини қабул қилишга оид 1000 дан ортиқ жиноят ишлари ўрганилган. Бундан ташқари, тадқиқотчи иштирокида жазони тайинлаш билан боғлиқ тушунтиришлар берилган Ўзбекистон Республикаси Олий суди Президиуми ва Пленуми қарорлари ишлаб чиқилди ва қабул қилинди.

Хулоса, таклиф ва тавсиялар апробациядан ўтказилган, уларнинг натижалари етакчи миллий ва хорижий нашрларда эълон қилинган. Олинган натижалар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланган ва амалиётга жорий этилган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, назарий хулосалар ва тавсиялардан жазони тайинлаш асослари ва тартибини назарда тутадиган нормаларни қўллашнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, суднинг жазо тайинлаш амалиётини такомиллаштириш, «Жиноят ҳуқуқи (Умумий ва Махсус қисм)», «Жиноят-ижроия ҳуқуқи», «Жиноят-процессуал ҳуқуқи» фанлари бўйича ўқув жараёнида, ўқув ва ўқув-услубий қўлланмаларни тайёрлашда, жазо тайинлаш бўйича суд амалиётида фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, улардан Ўзбекистон Республикаси Жиноят, Жиноят-процессуал ва Жиноят-ижроия кодексларини такомиллаштириш, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорлари лойиҳаларини тайёрлаш, жиноятчиликка қарши курашиш бўйича давлат дастурини ишлаб чиқиш жараёнида фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тадқиқотнинг илмий натижалари асосида қуйидагилар амалга оширилди:

мажбурий жамоат ишлари шаклидаги янги жазо турини жазо тизимига киритиш тўғрисидаги таклифлардан 2017 йил 29 мартдаги «Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини ишлаб чиқишда фойдаланилган. Унга кўра Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси 45¹, 82¹-моддалари «Мажбурий жамоат ишлари» билан тўлдирилган, 43-моддаси б¹-банди «мажбурий жамоат ишлари» билан тўлдирилган, 81-моддаси 1а-банди «мажбурий жамоат ишлари» билан тўлдирилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2019 йил 19 октябрдаги 06-13/2104-сонли маълумотномаси). Ушбу таклифнинг қабул қилиниши судлар томонидан мажбурий жамоат ишлари жазосини алтернатив жазо тури сифатида тайинлашга асос бўлмоқда;

суд томонидан айблов ҳукмини чиқаришда, қилмишида Жиноят кодекси Махсус қисмининг бир моддасининг турли қисмларида назарда тутилган жиноятлар белгилари мавжуд бўлган ҳаракатларини квалификация қилиш ва жазо тайинлашда айбдорнинг шахсини ҳисобга олиш, шунингдек кейинчалик жазодан озод қилган ҳолда айблов ҳукмини чиқариш ҳамда жазо

тайинламасдан айблов ҳукмини чиқариш тўғрисидаги ҳолатларга оид тавсиялар Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2014 йил 23 майдаги «Суд ҳукми тўғрисида»ги 7-сонли қарорининг 11, 27, 28, 29, 32-бандларига киритилган (Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2016 йил 25 январдаги 4-сонли ва 2019 йил 1 ноябрдаги 11-94-11-сонли маълумотномалари). Мазкур масалалар юзасидан Олий суд Пленуми томонидан берилган тушунтиришлар суд томонидан айблов ҳукм чиқаришда қонун нормаларни тўғри қўллашни таъминлайди;

турли хил жиноий жазоларни (жарима, ахлоқ тузатиш ишлари, озодликни чеклаш) тайинлаш ва ўташ шартларини конкретлаштириш ва янада аниқ белгилаш, шунингдек озодликни чеклаш тарзида жазони ўташда суд томонидан айбдорга нисбатан қўлланилиши мумкин бўлган қўшимча тақиқлар (чекловлар), маҳкумни ушбу жазони ўташдан ашаддий бўйин товлаган деб топиш шартларига доир тақлифлар Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2015 йил 13 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қарори билан Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги «Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида»ги қарорининг 12, 21, 22, 23, 24, 25¹, 25², 25³, 25⁴, 25⁵, 25⁶, 28, 38-бандларига қўшимчалар киритишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 17.03.2016 йилдаги 04/11-122-16-сонли ва 2019 йил 1 ноябрдаги 11-94-11-сонли маълумотномалари). Ушбу тақлифлар турли хил жиноий жазоларни тайинлаш ҳамда озодликни чеклаш тарзидаги жазони тайинлашда қўшимча тақиқлар (чекловлар) белгилашда қўлланилмоқда;

Жиноят кодекси 60-моддасининг 5-қисмига кўра, бир неча ҳукмлар юзасидан ахлоқ тузатиш ишлари ёки хизмат бўйича чеклаш жазоларни тайинлаш, муқаддам озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтамаган шахсга ўташ колония турини белгилаш, Жиноят кодексининг 72-моддасига асосан шартли ҳукм чиқарилганида 59-моддасининг 8-қисми тартибида узил-кесил жазо тайинлаш, биринчи ҳукм билан тайинланган жазони тўлиқ ўтмасдан жиноят содир қилган, лекин охириги ҳукм чиқиш пайтига биринчи ҳукм билан тайинланган жазони тўлиқ ўтаб бўлган шахсга Жиноят кодексининг 60-моддасини қўллаш, жиноятлар мажмуи ёки бир неча ҳукм билан муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазоси асосий ва қўшимча жазо сифатида тайинланганда узил-кесил жазо тайинлаш, озодликдан маҳрум қилиш жазо муддатини ҳисоблаш юзасидан тақлифлар Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2014 йил 23 майдаги «Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги 8-сонли қарори билан Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги «Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида»ги 1-сонли қарорининг 20, 30, 36¹, 53, 54, 56¹, 57, 58-бандларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2017 йил 19 майдаги 04/11-296-

17-сонли ва 2019 йил 1 ноябрдаги 11-94-11-сонли маълумотномалари). Мазкур таклифлар судлар томонидан бир неча ҳукм ва жинойтлар мажмуи бўйича узил-кесил жазо тайинлаш, озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлашда жазо муддатини ҳисобланишини бир хилда қўлланилишини таъминлайди.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4та илмий анжуманда, жумладан, 2та халқаро, 2та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 19 та илмий иш, жумладан, 1та монография, 16 та илмий мақола (3 таси хорижий журналларда) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 156 бетни ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Ишнинг **кириш** (докторлик диссертацияси аннотацияси)да тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, тадқиқ этилаётган муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти, уларнинг жорий қилинганлиги, тадқиқот натижаларининг апробацияси, натижаларнинг эълон қилинганлиги ва диссертациянинг тузилиши ва ҳажми ёритиб берилган.

Диссертациянинг «**Жазо тушунчаси ва турлари**» деб номланган биринчи бобида жиноий жавобгарлик тушунчаси ва унинг жазодан фарқи, жиноий жазо тушунчаси, мазмуни ва мақсади, шунингдек жазолар тизими ва турлари таҳлил қилинади. Жиноий жазо тушунчаси, мақсадлари, белгилари ва ижтимоий функцияларини таҳлил қилишда, улар кўплаб ҳуқуқшунос олимларнинг асарларида ўрганилганлиги қайд этилган. Жазонинг мақсади ҳақидаги полемикага хулоса ясаган ҳолда, қайд этиладики, жиноий жазо доктринасининг ҳозирги ривожланиш босқичида, олимлар жиноий жазо остида кенг қамровли масалаларни, шу жумладан, биринчидан, маълум мазмун, моҳият, шакл, тартиб ва қўллаш (тайинлаш ва ижро этиш) ва ўташ шартлари билан тавсифланган жинойтчиликнинг ҳуқуқий оқибатини, иккинчидан, ижтимоий фойдали мақсадларга эришиш: ижтимоий адолатни тиклаш, маҳкумни қайта тузатиш, маҳкумлар ва бошқа шахслар томонидан жинойтларнинг олдини олиш, учинчидан, жиноий хулқ-атвор билан курашиш ва криминологик хавфсизликни таъминлашни назарда тутди.

Диссертант, Ўзбекистон Республикасининг норматив-ҳуқуқий

хужжатлари таҳлилини давом эттириб, жиной жазо тушунчасининг ўзига хос муаллифлик таърифини таклиф этади. Бунда, тадқиқотчи куйидаги жазо белгиларига эътибор қаратади: а) мажбурлов чораси ҳисобланади; б) давлат номидан қўлланилади; в) суд ҳукми билан қўлланилади; г) фақат жиноят содир этганлик учун қўлланилади; д) фақат айбдор шахсга нисбатан қўлланилади; е) шахсининг муайян ҳуқуқ ва эркинликларидан маҳрум этиш ёки чеклашдан иборат; ж) жазони ташкил этган маҳрум қилиш ва чеклашлар жиноят қонунида назарда тутилиши керак; з) жисмоний азоб бериш ва жиноятчининг инсоний қадр-қимматини камситиш мақсадини инкор этиш; и) жазони қўллаш эҳтиёжи; к) жазони қўллашнинг етарлилиги.

Шунингдек, муаллиф баъзи олимларнинг жиной жазонинг тарбиялаш ва олдини олишга оид турлича мақсадлари тўғрисидаги фикрларига қўшилмайди, чунки унинг фикрига кўра, улар жазонинг тузатиш ва жиной фаолиятни давом эттиришга тўсқинлик қилиш мақсадлари билан янги жиноятлар содир этилишини олдини олиш тарзидаги жазо мақсадлари ўртасидаги диалектик алоқани истисно қилади. Жазонинг барча мақсадлари диалектик бирликдан иборат бўлиб, бир-бирини тўлдиради ва Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 2-моддасида келтирилган вазифаларни ҳал қилиш бўйича умумий мақсадига қаратилган.

Муаллиф жиной жазолар тизимини кўриб чиқаркан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 43-моддасида назарда тутилган жазолар рўйхати ҳар доим ҳам ижтимоий хавfli қилмишда айбдор бўлган шахс учун, унинг айби, содир этган қилмишнинг моҳияти, етказилган зарар ҳажми, айбдорнинг шахси ва жазо мақсадига эришиш учун етарлича зарур бўлган бошқа ҳолатларга мутаносиб равишда, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини чеклаш тури ва ҳажмини белгилашга имкон бермаслигига эътибор беради.

Шу муносабат билан, ушбу муаммони янада самарали ҳал қилиш учун у Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 43-моддасини, жазоларнинг оғирлик даражасини ушбу модданинг биринчи қисмида белгиланган кетма-кетлиги билан аниқланишини белгилайдиган бешинчи қисм билан тўлдиришни таклиф этади.

Диссертациянинг «Алоҳида турдаги жазоларни тайинлашнинг ўзига хос хусусиятлари» деб номланган иккинчи бобида жамиятдан ажратиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларни, жамиятдан ажратиш билан боғлиқ жазоларни, шунингдек муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш шаклидаги жазони тайинлаш хусусиятлари таҳлили берилган.

Ўзбекистон Республикасида 2010-2017 йиллар давомида жаримани қўллаш бўйича статистик тадқиқотлар таҳлили, ушбу жазо турининг турли хил жазо турларига ҳукм қилинганларнинг катта қисмига нисбатан барқарор қўлланилганлигидан далолат беради. Ўзбекистон Республикаси судлари томонидан жарима жазоси умумий тайинлаган жазоларнинг тегишлича 2010 йилда – 17,4%, 2011 йилда – 19%, 2012 йилда – 18,1%, 2013 йилда – 18,2%, 2014 йилда – 17,4%, 2015 йилда – 18,2%, 2016 йилда – 16,2%, 2017

йилда – 13, 2%ни ташкил этган».¹

Муаллиф томонидан жаримани қўллашда аҳамиятли бўлган бир қатор хусусиятлар аниқланиб, ҳуқуқни қўллаш амалиётида жаримани тайинлаш ва ижро этиш билан боғлиқ муаммоларни ҳисобга олган ҳолда, тадқиқотчи қонун ҳужжатларига маҳкум жарима шаклидаги жазони ижро этишдан бўйин товлаганида жаримани оғирроқ жазо турига алмаштириш, шунингдек жарима жазосини озодликни чеклаш ёки озодликдан маҳрум қилиш жазолари билан бирга тайинлаш билан боғлиқ қўшимчалар ва ўзгартиришлар киритиш юзасидан таклифлар берилди.

Ишда қайд этилишича, жазо тизимига озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган янги «мажбурий жамоат ишлари» жазо киритилганидан буён 499 нафар маҳкумга нисбатан мажбурий жамоат ишлари тайинланган, бу умумий маҳкумларнинг 0,9 фоизини ташкил этади».²

Мажбурий жамоат ишлари, ахлоқ тузатиш ишлари каби шахсни меҳнатга мажбурий жалб қилишдан иборат. Шу билан бирга, мажбурий жамоат ишлари шаклидаги жазо, уни бошқа жазо турларидан ажратиб турадиган ўзига хос хусусиятларга эга.

Ушбу жазонинг хусусиятлари сифатида диссертацияда қуйидагилар кўрсатилган: 1) мажбурийлик (мажбурлов туси); 2) асосий ишдан ва ўқишдан бўш вақтларда бажариш; 3) маҳкумнинг иши бепуллиги; 4) маҳкум иш жойи ва турини танлаш имконига эга эмаслиги (ушбу жазо турини амалга оширувчи органлар томонидан белгиланади).

Жазоларни либераллаштириш соҳасида суд-ҳуқуқ ислоҳотининг амалга оширилиши ахлоқ тузатиш ишлари тарикасидаги жазонинг озодликдан маҳрум қилиш жазосига нисбатан кенгроқ қўлланишига кўмак берди. Жумладан, «агар 2010 йилда ахлоқ тузатиш ишлари шаклидаги жазога ҳукм қилинганлар сони маҳкумларнинг умумий сонининг 38,8% ини ташкил этган бўлса, 2011 йилда бу рақам 43,5% га, 2012 йилда 40,2% га, 2013 йилда 39,3% га, 2014 йилда 39,4%, 2015 йилда 42,3%, 2016 йилда 38,4% етиб, 2017 йилда Ўзбекистон Республикаси судлари томонидан ҳукм қилинганлар умумий сонининг 36,1% ни ташкил этди».³

Шу билан бирга, тадқиқотчи жазони ижро этиш инспекцияси нафақат маҳкумларнинг мажбуриятларига риоя этилишини назорат қилиши, балки уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишни ҳам таъминлаши кераклигини таъкидлайди. Ушбу мақсадларда Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодексининг 27, 28, 29-моддаларига ўзгартириш киритиш таклиф этилади.

Озодликни чеклаш тарзидаги жиноий жазонинг таҳлили уни тайинлашда оммабоплиги ошганлигидан далолат беради, «агар 2016 йилда атиги 5.0%

¹Ўзбекистон Республикаси Олий суди. Умумий юрисдикция судлари фаолиятига оид статистик маълумотлар тўплами. Тошкент, 2010 -2017 йиллар.

²Ўзбекистон Республикаси Олий суди. Умумий юрисдикция судлари фаолиятига оид статистик маълумотлар тўплами. Тошкент, 2010 -2017 йиллар.

³Ўзбекистон Республикаси Олий суди. Умумий юрисдикция судлари фаолиятига оид статистик маълумотлар тўплами. Тошкент, 2010 -2017 йиллар.

махқум озодликни чеклаш тарзидаги жазога ҳукм қилинган бўлса, 2017 йилда ушбу жазога судланганларнинг сони 14,4%ини ташкил этди».¹

Диссертант томонидан озодликни чеклаш тарзидаги бир қатор жазо белгилари ажратилади. Хусусан, озодликни чеклаш тарзидаги жазо асосий жазо турига киради. Бу шуни англатадики, ушбу турдаги жазо фақат Жиноят кодексининг Махсус қисми моддаси санкциясида аниқ кўрсатилган бўлса қўлланилиши мумкин. Шунингдек, озодликни чеклаш тарзидаги жазо муддатли бўлиб, Жиноят кодексининг Махсус қисми моддасининг санкцияларида ва Жиноят кодексининг 48¹, 84¹-моддаларида ушбу жазо тури учун белгиланган чегараларда тайинланиши мумкин.

Бундан ташқари, озодликни чеклаш тарзидаги жазони ижро этиш ички ишлар органларининг жазоларини ижро этиш инспекцияси томонидан амалга оширилади, бироқ айти пайтда махқум томонидан суд унга юклаган тақиқлар (чекловлар) ва ҳоказолар бўйича мажбуриятларни ихтиёрий равишда бажаришдан иборат.

«Ўзбекистон Республикаси жиноят ишлари бўйича судлари томонидан озодликдан маҳрум қилиш жазоси 2010 йилда судланганларнинг умумий сони 32,3%га, 2011 йилда 24,2 %га, 2012 йилда 28,9 %га, 2013 йилда 29%га, 2014 йилда 30,7%га, 2015 йилда 26,3%га, 2016 йилда 29,8%га, 2017 йилда судланганларнинг умумий сонидан 28,2%га нисбатан қўлланилган».²

Озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазонинг ўзига хос хусусияти - бу муайян ҳуқуқ ва эркинликлардан маҳрум қилишнинг энг юқори ҳажмда ва анча узоқ вақтга чекланишидир. Ушбу хусусиятнинг мавжудлиги жиноятнинг оғирлиги ва жиноятчининг шахсига қараб, ушбу турдаги жазони қўллашнинг жуда кенг доирасини аниқлашни талаб қилади. Бу жазо турини қўллаш муддатлари қонунда кенг амплитудада жорий этилгани билан белгиланади: бир ойдан йигирма йилгача, айрим ҳолларда йигирма беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш.

Диссертант қайд этишича, ЖКда белгиланган жазо тизимида узоқ муддатли озодликдан маҳрум қилиш жазоси алоҳида жазо тури сифатида назарда тутилмаган бўлса ҳам, узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси махсус чекловлар ва ҳуқуқий оқибатларни назарда тутади:

а) узоқ муддатли озодликдан маҳрум қилиш жазоси фақат қатъий белгиланган ҳолларда ва қонунда бевосита кўрсатилган ҳолатлар мавжуд бўлган тақдирда тайинланиши мумкин. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 50-моддаси 3-қисмига биноан узоқ муддатли озодликдан маҳрум қилиш жазоси фақат оғирлаштирувчи ҳолатларда қасддан одам ўлдириш (Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 97-моддаси 2-қисми) ва терроризм (Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 155-моддаси) учун тайинланиши мумкин;

¹Ўзбекистон Республикаси Олий суди. Умумий юрисдикция судлари фаолиятига оид статистик маълумотлар тўплами. Тошкент, 2010 -2017 йиллар.

²Ўзбекистон Республикаси Олий суди. Умумий юрисдикция судлари фаолиятига оид статистик маълумотлар тўплами. Тошкент, 2010 -2015йиллар.

б) узоқ муддатли озодликдан маҳрум қилиш жазоси қўлланилишида алоҳида чекловлар мавжуд. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 50-моддаси 4-қисмига мувофиқ жиноят содир этган аёлларга, ўн саккиз ёшгача бўлган шахсларга ва олтмиш ёшдан ошган эркакларга узоқ муддатли озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиши мумкин эмас;

в) бир неча жиноят содир этганлик учун жазо тайинлашда узоқ муддатли қамоқ жазосини қўлланилишининг алоҳидаги тартиби назарда тутилади. Агар жиноятлар мажмуи бўйича жазо тайинланадиган бўлса, уларнинг камида биттаси учун узоқ муддатли озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган бўлса, узил-кесил жазо Жиноят кодексининг 59-моддаси бешинчи қисмининг қоидаларига мувофиқ жазоларни тўлиқ ёки қисман қўшиш ёки унчалик оғир бўлмаган жазони оғирроғи билан қамраб олиш йўли билан, лекин йигирма беш йилдан кўп бўлмаган муддатга тайинланади;

г) узоқ муддатли озодликдан маҳрум қилиш жазоси бир неча ҳукмлар бўйича тайинлашнинг алоҳида тартибини назарда тутди. Агар ҳукмлардан бири билан узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган бўлса, узил-кесил жазо Жиноят кодексининг 60-моддаси тўртинчи қисмининг қоидаларига мувофиқ, енгилроқ жазони оғирроғи билан коплаш ёхуд жазони тўлиқ ёки қисман қўшиш йўли билан тайинланади. Шунда узил-кесил тайинланган жазо йигирма беш йилдан кўп бўлмаслиги керак.

д) узоқ муддатли озодликдан маҳрум қилиш, шахсни жавобгарликка тортиш ёки жазони ижро этиш муддати ўтганидан қатъий назар қўлланилади. Жумладан, инсоният тинчлиги ва хавфсизлигига қарши жиноят содир этган шахс учун жавобгарликка тортишни ўташ муддати, шунингдек жазони ижро этиш муддатини ўтиши қўлланилмайди. Шунга кўра, терроризмни содир этган шахсга нисбатан суд, жиноят содир этилган вақтидан қатъий назар, узоқ муддатли озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлашга ҳақли.

е) узоқ муддатли озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилинган шахсга нисбатан авф этиш тўғрисида илтимосномани киритиш ва кўриб чиқишнинг алоҳидаги тартиб назарда тутилган.

Шу муносабат билан, муаллиф томонидан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиб, жазо тизимида «узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш» каби алоҳида жазо турини киритиш, узоқ муддатли озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазони тайинлашнинг мазмуни ва тартибини белгилаш, йигирма беш йилгача озодликдан маҳрум қилишни назарда тутувчи моддалар санкцияларига узоқ муддатли озодликдан маҳрум қилиш жазони муқобил жазо тури сифатида киритишни таклиф этади.

Муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо аралаш жазо турига киради, яъни у ҳам асосий, ҳам қўшимча жазо сифатида қўлланилиши мумкин. Суд амалиётида жазонинг ушбу турини қўллаш тобора муҳим аҳамият касб этмоқда. «2010 йилда судлар томонидан маҳкумларнинг умумий сони 0,1% га муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазоси қўлланилган бўлса, 2011 йилда бу рақам 0,2% ни, 2012 йилда бу кўрсаткич 0,1%,

2013 йилда - 0,1%, 2014 йилда - 0,1%, 2015 йилда 0,1%, 2016 йилда 0,1%, 2017 йилда 0,07%ни ташкил этган».¹

Шу билан бирга, ҳуқуқни қўллаш амалиётини таҳлил қилиб, диссертант суд амалиётида асосий жазо сифатида муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш тарзидаги жазони тайинлаш жуда кам учрашини таъкидлайди. Унинг фикрича, асосий жазо сифатида муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазосини қўллашга тўсиқлик берадиган асосий ва ҳал қилувчи омил бу қонуннинг ушбу турдаги жазо турини асосий жазо сифатида тайинлаш ва ўташ тартиби ва шартларини етарлича тўлиқ белгилаб қўйилмаганлигидир. Жумладан, қонунда жиноятлар мажмуи ёки бир нечта ҳукмлар бўйича узил-кесил жазо тайинлашда ушбу жазо асосий жазо сифатида озодликдан маҳрум қилиш, интизомий қисмга жўнатиш, озодликни чеклаш ёки мажбурий жамоат ишлари каби жазолар билан тайинлашда жазо муддатини ҳисоблаш, ушбу жазодан муддатидан илгари шартли озод қилиш шартлари, ушбу жазони ўташдан бўйин товлашнинг ҳуқуқий оқибатлари назарда тутилмаган. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодексига муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш тарзидаги жазони асосий ва қўшимча турларга ажратиш умуман назарда тутилмаган. Шунга кўра, муаллиф томонидан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал ва Жиноят-ижроия кодексларига тегишли ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш таклиф этилган.

Диссертациянинг «**Жазо тайинлашнинг умумий қоидалари**» деб номланган учинчи бобида жазони тайинлашнинг умумий қоидалари мазмуни, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатлар, уларнинг умумий ва фарқли жиҳатлари, енгилроқ жазони тайинлаш хусусиятлари, бир нечта жиноятлар бўйича жазо тайинлаш, шунингдек бир неча ҳукмлар бўйича жазо тайинлаш масалалари таҳлил қилинган.

Қонун ҳужжатлари нормалари таҳлили шуни кўрсатадики, ўн саккиз ёшга тўлгунга қадар жиноят содир этган шахсларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазонинг энг кам чегараси белгиланмаган, ижтимоий хавфлилик даражаси унча оғир бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятлар учун озодликдан маҳрум қилиш жазоси умуман қўлланилмайди, бошқа жиноятлар учун ҳамда бир неча жиноят содир этганлик учун ва бир неча ҳукм юзасидан жазо тайинлашда озодликдан маҳрум этиш жазосининг миқдори чекланган. Шунга кўра, тадқиқотчи Жиноят кодексининг 55-моддасига ўзгартиш киритиб, «ж» бандини (жазони енгиллаштирувчи ҳолат сифатида вояга етмаганнинг жиноят содир этиши) амалий аҳамиятга эга бўлмаганлиги сабабли чиқариб ташлашни таклиф этади.

Бундан ташқари, муаллиф томонидан Жиноят кодексининг 60-моддаси номи ва таҳририни ўзгартириш юзасидан берилган таклифлардан келиб чиқиб, ЖКнинг 56-моддасини «п» банди билан тўлдириб, ҳукм чиқарилганидан кейин, бироқ жазони тўлиқ ўтаганига қадар янги жиноятни содир этиш ҳолатини, башарти унга ушбу Кодекснинг 60-моддаси

¹Ўзбекистон Республикаси Олий суди. Умумий юрисдикция судлари фаолиятига оид статистик маълумотлар тўплами. Тошкент, 2010 -2017 йиллар.

қоидаларига мувофиқ жазо тайинлаш имконияти бўлмаса, жазони оғирлаштирувчи ҳолат сифатида белгилашни таклиф этади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги «Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида»ги қарорининг 37-банди 3-хатбошисида тушунтирилишича, жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи алоҳида ҳолатлар рўйхати қонунда кўрсатилмаганлигини назарда тутиб, суд қабул қилган қарорини ҳукмда асослантирган ҳолда жазони енгиллаштирувчи айрим ҳолатни ҳам, уларнинг мажмуини ҳам бундай ҳолат сифатида тан олиши мумкин.¹ Бироқ, Олий суд Пленумининг ушбу тушунтириши Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 57-моддаси 3 хатбошисига мос келмайди, унга кўра содир этилган қилмиш хусусиятларини ифодаловчи ҳолатлар, яъни айбдорнинг шахси, айбининг шакли ва даражаси, жиноят қилиш шароити ва сабаблари, шахснинг жиноятни содир қилгунча ва ундан кейинги хулқ-атвори жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар деб топилиши мумкин.

Бундан ташқари, тадқиқотчи Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми томонидан берилган тушунтиришларини таҳлил қилиб, жиноятлар мажмуи учун жазони Жиноят кодексининг 59-моддаси саккизинчи қисмига мувофиқ тайинлаш юзасидан берилган тушунтиришлари қонун талабларига жавоб бермаслигига эътибор беради.

Биринчидан, қонунда белгиланган енгилроқ жазони оғирроғи билан қоплаш қоидаларига кўра, агар биринчи ҳукм бўйича маҳкумга нисбатан оғирроғ жазо, янги ҳукм билан эса унга нисбатан енгилроқ жазо тайинланган бўлса, қонун узил-кесил ҳукмни енгилроқ жазони қоплаш йўли билан биринчи ҳукм бўйича тайинланган жазога тенг жазони тайинлашни тақиқламайди.

Иккинчидан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 59-моддаси 2-қисмига мувофиқ, агар жиноятлар мажмуини фақат ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар ва унча оғир бўлмаган жиноятлар ташкил этса, унда тайинланган енгилроқ жазони оғирроғи билан қоплаш ёхуд тайинланган жазоларни тўла ёки қисман кўшиш йўли билан жазо узил-кесил тайинланади. Бинобарин, агар бундай ҳолатларда шахсга биринчи ҳукм бўйича Жиноят кодекси Махсус қисми моддасининг санкциясида назарда тутилган энг юқори жазо тайинлаган бўлса, унда янги ҳукм билан жиноятлар мажмуи бўйича биринчи ҳукмда тайинлаган жазога нисбатан қаттиқроқ жазо тайинланиши мумкин эмас.

Шунга кўра, тадқиқотчи Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги «Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида»ги қарорига тегишли ўзгартиш ва кўшимчалар киритиш таклиф этилмоқда.

Тадқиқотчининг фикрича, суд амалиётида жазо тайинлашда

¹Ўзбекистон Республикаси Олий суди қарорлари тўплами 1991 – 2006, т. 2, Тошкент, «Адолат», 2006. Б.501.

кийинчиликлар юзага келаётгани туфайли «бир неча ҳукм юзасидан жазо тайинлаш» тушунчасини тўғри шарҳлаш масаласини ўрганиш керак.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумида тушунтирилишича: «Жазони ўтаётган шахс томонидан янги жиноят содир этилганда, жазонинг ўталмаган қисми сифатида янги жиноят учун у ушлангандан ёки қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси танланганидан сўнг қолган муддатни ҳисоблаш лозим. Агар бундай эҳтиёт чораси қўлланилмалган ёки бошқа турдаги эҳтиёт чораси қўлланилган бўлса, жазонинг ўталмаган қисми муддати охириги ҳукм чиқарилган вақтдан бошлаб ҳисобланади».¹

Шу билан бирга, айбдорга биринчи ҳукм билан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинланганида ҳамда унга нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилмаганида жазонинг ўталмаган муддатини ҳисоблаш тартиби қонунда белгиланмаган ва Олий суд Пленуми томонидан тушунтириш берилмаган. Бундан ташқари, қонунда, агар қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини танлаш ёки янги ҳукмни чиқаришга қадар, шахс илгари чиқарилган ҳукмлар бўйича тайинланган жазони тўлиқ ўтаб бўлган ёки ижро қилган бўлса, бир неча ҳукм юзасидан узил-кесил жазо тайинлаш тартиби белгиланмаган.

Муаллифнинг фикрига кўра, бир неча ҳукм юзасидан жазо тайинлашни, жиноятлар мажмуи бўйича жазо тайинлаш билан бир каторда, жазо тайинлаш турларидан бири сифатида тан олиш асосиз, чунки бу тушунчалар жиддий фарқларга эга:

- жиноятлар мажмуи бўйича жазо тайинлаш енгилроқ жазони оғирроғи билан қоплаш, жазоларни тўла ёки қисман қўшиш йўли билан узил-кесил жазо тайинлашни назарда тутаяди, ваҳоланки бир неча ҳукмлар бўйича жазо тайинлаш фақатгина янги ҳукм бўйича тайинлаган жазога, аввалги ҳукм бўйича тайинланган жазонинг ўталмай қолган қисмини тўла ёки қисман қўшишни назарда тутаяди;

- жиноятлар мажмуи бўйича жазо фақат ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар ва унча оғир бўлмаган жиноятлар учун оғирроқ жиноят учун назарда тутилган модданинг санкцияси доирасида, агар содир этилган жиноятлардан лоақал биттаси оғир ёки ўта оғир жиноят бўлса, ушбу жазо тури учун белгиланган доирада тайинланган жазолар миқдорда тайинланиши мумкин. Жиноятлар мажмуи бўйича жазо содир қилинган жиноятлар оғирлигидан қатъий назар, ушбу жазо тури учун назарда тутилган доира билан чекланади.

Шунингдек, тадқиқотчи бир неча ҳукм юзасидан жазо тайинлаш тушунчасини ҳамда тартибини янада аниқроқ белгилаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Жиноят ва Жиноят-процессуал кодексларига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш зарур деб ҳисоблайди.

¹Ўзбекистон Республикаси Олий суди қарорлари тўплами 1991 – 2006, т. 2, Тошкент, «Адолат», 2006. Б.507.

ХУЛОСА

«Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқида жазо тайинлаш» мавзусидаги диссертация бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги назарий ва илмий-амалий хулосалар чиқарилди:

I. Жиноят ҳуқуқи назариясини ривожлантириш соҳасида:

1.1. Ўтказилган тадқиқотлар ҳамда Жиноят кодексининг жазо тушунчаси ва мақсадини белгилайдиган моддаларини таҳлил қилиш асосида қуйидаги таърифни келтириш мумкин:

Жазо – бу Жиноят кодексининг принципларига асосланган, жиноят содир этишида айбдор шахсга нисбатан давлат номидан суд томонидан қўлланиладиган, қонунда назарда тутилган, жисмоний азоб бериш ва жазоланган шахс қадр-қимматини камситишни истисно этувчи, маҳкумнинг муайян ҳуқуқ ва эркинликларидан маҳрум этиш ёки чеклашдан иборат бўлган, суд томонидан маҳкумни тузатиш, жиноий фаолиятини тўхтатиш ва маҳкум ёки бошқа шахслар томонидан янги жиноятлар содир этишининг олдини олиш учун зарур ва етарли деб топилган мажбурлов чорасидир.

II. Жазони қўллаш бўйича жиноят қонунчилигини ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш соҳасида:

2.1. Жазолар тизимига мустақил асосий жазо тури сифатида «узок муддатли озодликдан маҳрум қилиш» жазосини киритиш;

2.2. Жиноят кодексининг 43-моддасини қуйидаги мазмундаги бешинчи қисм билан тўлдириш: «*Жазоларнинг оғирлик даражаси ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган кетма-кетлик билан аниқланади*»;

2.3. Жиноят кодексининг 44-моддасига қуйидаги ўзгартиришлар киритиш:

- учинчи қисм қуйидаги таҳрирда баён этилсин: «*Агар ҳукм қилинган шахс жазо тариқасида тайинланган жаримани мажбурий ижро этиш учун белгиланган муддатларда тўлашдан бўйин товласа ёхуд қарздорда ундирув қаратилиши мумкин бўлган мол-мулк мавжуд эмаслиги туфайли мажбурий ижро этиш учун белгиланган муддатлар мобайнида жаримани ундиришининг имкони бўлмаса, худди шунингдек кечиктириш муддати тугаганидан кейин жарима тўланмаган ёки жаримани бўлиб-бўлиб тўлаш шартлари бузилган тақдирда, суд жаримани тўлашдан бўйин товланган шахсга мазкур Кодекснинг у айбдор деб топилган моддасининг санкциясида назарда тутилган бошқа оғирроқ жазога, мазкур модданинг санкцияси доирасида алмаштиришга ҳақли*»;

- қуйидаги мазмундаги 4 ва 5-қисм билан тўлдирилсин:

«*Агар жарима тариқасидаги жазо ахлоқ тузатиш ишлари, хизматни чеклаш ёки озодликни чеклаш тарзидаги жазо билан алмаштирилган шахс янги жазони ўташдан бўйин товласа, суд жарима тариқасида тайинлаган назарда тутилган жазони бошқа, оғирроқ жазо билан алмаштириш масаласини, мазкур модданинг учинчи қисмида назарда тутилган тартибда*

қайта кўриб чиқиши мумкин.

Агар маҳкумга жарима тариқасидаги жазо жиноятлар мажмуи ёки бир неча ҳукмлар бўйича интизомий қисмга жўнатиши ёки озодликдан маҳрум қилиши жазолари билан бирга тайинланган бўлса, жаримани тўлаш учун уч ойлик муддат маҳкум ушбу турдаги жазоларни ўтаб бўлган кундан бошлаб ҳисобланади. Интизомий қисмга жўнатиши ёки озодликдан маҳрум қилиши тарзидаги жазони ўташ даврида жазони ижро этмаслик ушбу Кодекснинг 69-моддаси 1-қисми «а» бандида белгиланган жазони ижро этиши муддати ўтиб кетганлиги муддатига қўшиб ҳисобланмайди»;

2.4. ЖКнинг 61-моддаси иккинчи қисмини қуйидаги тарзда баён этиш:

«Жарима ёки муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиши тариқасидаги жазо бири билан, шунингдек озодликдан маҳрум қилиши, интизомий қисмга жўнатиши, озодликни чеклаш, хизмат бўйича чеклаш, ахлоқ тузатиши ишлари, мажбурий жамоат ишлари жазоси билан қўшилганда ҳар қайсиси алоҳида ижро этилади»;

2.5. Жиноят-ижроия кодексининг 19-моддасини қуйидаги мазмундаги тўртинчи ва бешинчи қисмлар билан тўлдириш:

«Ҳукми ижро этишни кечиктириши ва бўлиб-бўлиб тўлаш суд томонидан бир неча марта қўлланилиши мумкин, аммо жаримани тўлашни кечиктиришининг умумий муддати олти ойдан ошмаслиги керак, жаримани бўлиб-бўлиб тўлашнинг умумий муддати бир йилдан ошмаслиги керак. Ҳукми бўлиб-бўлиб тўланадиган жаримага нисбатан кечиктиришни қўллаш ҳамда ҳукм ижроси кечиктирилган жаримага нисбатан бўлиб-бўлиб тўлашни қўллаш мумкин эмас.

Ҳукми ижро этишни кечиктириши ва бўлиб-бўлиб тўлаш жаримани ихтиёрий равишда тўлаш учун қонунда белгиланган муддатларни тикламайди. Жазони ижро этишни кечиктириши ёки бўлиб-бўлиб тўлаш муддатининг тугаши жаримани тўлашнинг охирги муддати ҳисобланади. Суд жаримани тўлашнинг уч ойлик муддати тугаган кундан бошлаб ҳукми ижро этишни кечиктириши ёки бўлиб-бўлиб тўлашни белгилаши мумкин»;

2.6. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги «Судлар томонидан жиноий жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида» қарорининг 17-банди иккинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этиш:

«Бундай ҳолда Жиноят кодекси 44-моддаси учинчи қисмида ва 82-моддасининг иккинчи қисмида белгиланган муддат, жазони ижро этишни кечиктириши (бўлиб-бўлиб тўлаш) муддати тугагандан сўнг бошланади. Суд ҳукми ижро этишни кечиктириши (бўлиб-бўлиб тўлаш) муддатини қонун билан жаримани тўлаш учун ўрнатилган муддат тугаган вақтдан бошлаб белгилашга ҳақли»;

2.7. Жиноят кодексининг 50-моддаси учинчи ва тўртинчи қисмини чиқариб ташлаш,

2.8. Жиноят кодексини қуйидаги мазмундаги «Узоқ муддатли озодликдан маҳрум қилиш жазоси» 50¹-моддаси билан тўлдириш:

«Узоқ муддатли озодликдан маҳрум қилиш йигирма йилдан ортиқ, лекин йигирма беш йилдан кўп бўлмаган муддатга белгиланади ва фақат жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш (97-модданинг иккинчи қисми) ва терроризм (155-модданинг учинчи қисми) учун тайинланиши мумкин.

Узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси аёлга, ўн саккиз ёшга тўлмасдан жиноят содир этган шахсга ва олтимши ёшдан ошган эркакка нисбатан тайинланиши мумкин эмас.

Узоқ муддатли қамоқ жазосига ҳукм қилинган маҳкумларга жазо ушбу Кодекснинг 50-моддасида белгиланган тартибда тайинланади».

2.9. Жиноят кодекснинг 97-моддаси иккинчи қисми санкциясини қуйидаги таҳрирда баён этиш: *«ўн беш йилдан йигирма йилгача озодликдан маҳрум қилиш ёки йигирма йилдан йигирма беш йилгача узоқ муддатли озодликдан маҳрум қилиш ёхуд умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси билан жазоланади»;*

2.10. Жиноят кодексининг 155-моддаси учинчи қисми санкциясини қуйидаги таҳрирда баён этиш: *«ўн беш йилдан йигирма йилгача озодликдан маҳрум қилиш ёки йигирма йилдан йигирма беш йилгача узоқ муддатли озодликдан маҳрум қилиш ёхуд умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси билан жазоланади»;*

2.11. Жиноят кодексининг 45-моддаси тўртинчи қисмини қуйидаги таҳрирда баён этиш:

«Муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазоси, асосий жазо тариқасида ёки озодликдан маҳрум қилиш, ёхуд озодликни чеклаш жазосига қўшимча жазо тариқасида тайинланган бўлса, у маҳкум томонидан ушбу жазоларни ўташнинг бутун муддатига, бундан ташқари, ҳукм билан муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш учун тайинланган муддатга жорий этилади. Муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш асосий жазо ёки бошқа асосий жазоларга қўшимча жазо тариқасида тайинланганда, унинг муддати ҳукм қонуний кучга кирган вақтдан бошлаб ҳисобланади. Муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш асосий ёки қўшимча жазо тариқасида маҳкум бошқа жазо турлари бўйича шартли ҳукм қилинганда ижро этилади, бунда унинг муддати ҳукм қонуний кучга кирган вақтдан бошлаб ҳисобланади»;

2.12. Жиноят кодексининг 45-моддасини қуйидаги мазмундаги бешинчи қисм билан тўлдириш лозим:

«Маҳкум муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш тариқасидаги асосий жазони ўташдан бўйин товлаган тақдирда, у бошқа оғирроқ жазо турига, унга мазкур Кодекснинг Махсус қисми моддаси бўйича муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган санкция доирасида алмаштирилиши мумкин. Маҳкум муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш тариқасидаги қўшимча жазони ўташдан бўйин товлаган тақдирда, у қонунда белгиланган тартибда маъмурий жавобгарликка тортилиши мумкин»;

2.13. Жиноят кодексининг 73-моддаси биринчи қисмида *«хизмат бўйича чеклаш...»* сўзларидан кейин *«ёки»* сўзларини чиқариб ташлаш, *«ахлоқ*

тузатиши ишлари...» сўзларидан кейин «ёки асосий жазо тариқасида муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиши...» сўзлар билан толдирилиши;

2.14. Жиноят кодексининг 73-моддасини қуйидаги мазмундаги тўртинчи қисм билан тўлдириш:

«Муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиши тариқасидаги жазо асосий жазо сифатида озодликдан маҳрум қилиши ёки озодликни чеклаш жазоси билан бирга тайинланганда, ушбу модданинг учинчи қисмида белгиланган муддатлар, маҳкум муддатидан илгари шартли равишда озод қилиши ёки ушбу Кодекснинг 74-моддасида белгиланган тартибда жазонинг ўталмаган қисмини енгилроқ жазо билан алмаштирилган пайтдан бошлаб ҳисобланади».

2.15. Жиноят-процессуал кодексининг 536-моддаси тўртинчи қисмини қуйидаги таҳрирда баён этиш:

«Асосий ёки қўшимча жазо тариқасида тайинланган муайян ҳуқуқдан маҳрум этиши тарзидаги жазодан озод қилиши жамоат бирлашмаси, жамоа, маҳкумнинг ўзи ёки унинг ҳимоячисининг илтимосномасига биноан судья томонидан амалга оширилади»;

2.16. Жиноят-ижроия кодекси қуйидаги мазмунда 25¹-моддаси билан тўлдирилсин:

«25¹-модда. Муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиши жазосини ижро этмаслик оқибатлари муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиши тариқасидаги жазони ижро этилишини амалга оширадиган, ёки ушбу жазо турини ижро этиши билан боғлиқ маълум ҳаракатларни бажариши ёки бажармаслик мажбурияти юкланган мансабдор шахслар томонидан ўз мажбуриятларини бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик қонунда белгиланган тартибда жавобгарликка сабаб бўлади.

Маҳкумни асосий жазо сифатида тайинланган муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиши тарзидаги жазодан бўйин товлаши, уни Жиноят кодексининг 45-моддасида белгиланган тартибда ва доирада алмаштиришига олиб келади. Қўшимча жазо сифатида белгиланган муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиши тарзидаги жазодан бўйин товлаш Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексида белгиланган тартибда жавобгарликка сабаб бўлади»;

2.17. Жиноят-ижроия кодексига қуйидаги ўзгартиришларни киритиш:

27-модданинг 7-қисмидаги «ахлоқ тузатиши ишларини...» сўзларидан кейин «бошқа жойларда» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

27-модда қуйидаги мазмундаги саккизинчи қисм билан тўлдирилсин: «корхона, муассаса, ташкилот маъмурияти томонидан ахлоқ тузатиши ишлар тариқасидаги жазони ўтаётган маҳкумларга нисбатан меҳнат қонунчилигига белгиланган доирада риоя этилиши устидан назорат қилади»;

28-модда қуйидаги мазмундаги учинчи қисм билан тўлдирилсин:

«Маҳкумни жазоларни ижро этиши инспекциясининг ёзма розилигисиз ишдан бўшатмаслик, у томонидан ахлоқ тузатиши ишлари жазосини

ўтаётган маҳкумларга нисбатан меҳнат қонунчилигига белгиланган доирада риоя этиш».

29-модданинг 2-қисмидаги «Жазоларни ижро этиш инспекцияси белгилайдиган жойларда» сўзлари чиқариб ташлансин;

2.18. Жиноят кодексининг 46-моддаси 4-қисмини қуйидаги таҳрирда ифодалаш:

«Агар шахс суд томонидан тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари муддатининг жами бўлиб ўндан бир қисмидан кўпрогини ўташдан бўйин товласа, суд ахлоқ тузатиш ишларининг ўталмаган муддатини озодликни чеклаш ёки озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо билан озодликдан маҳрум қилиш ва озодликни чеклашнинг бир кун ахлоқ тузатиш ишларининг уч кунга тенглиги ҳисобидан алмаштиради».

2.19. Жиноят кодексининг 50-моддаси олтинчи қисмини қуйидаги сўзлар билан тўлдириш таклиф этилади: «Бунда, ушбу шахслар учун жазо ушбу модданинг санкциясида белгиланган энг кам қисмидан ҳам камроқ миқдорда қўлланилиши мумкин»;

2.20. Жиноят кодексининг 50-моддаси ўнинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноят содир этганлик учун озодликдан маҳрум этиш тариқасидаги жазо, Жиноят кодексининг 34-моддасида кўрсатилган белгилар мавжуд бўлмаган тақдирда, хомиладор аёлларга ва уч ёшга тўлмаган болалари бор аёлларга, шунингдек қонун ҳужжатларига мувофиқ ёшга доир пенсияга чиқиш ҳуқуқига эга бўлган шахсларга нисбатан тайинланмайди»;

2.21. Жиноят кодексининг 85-моддаси тўртинчи қисмини қуйидаги таҳрирда баён этиш:

«Вояга етмай туриб ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят ёхуд унча оғир бўлмаган жиноят содир этган шахсларга нисбатан, Жиноят кодексининг 34-моддасида кўрсатилган белгилар мавжуд бўлмаган тақдирда, озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо тайинланмайди»;

2.22. Жиноят кодексининг 55-моддаси биринчи қисмининг «ж» бандини чиқариб ташлаш;

2.23. Жиноят кодексининг 60-моддаси номини ва биринчи қисмини қуйидаги таҳрирда баён этиш:

«Бир неча ҳукмлар бўйича жазо миқдорини белгилаш агар маҳкум ҳукм чиқарилганидан кейин жазони тўла ўтамай туриб, янги жиноят содир этса ва аввалги ҳукм бўйича жазо янги ҳукм бўйича жазони ўташни бошлаш вақтига қадар тўлиқ ўталмай қолган бўлса, суд янги ҳукм бўйича тайинланган жазо муддатига биринчи ҳукм юзасидан ўталмай қолган жазо муддатини тўла ёки қисман қўшади»;

2.24. Жиноят кодексининг 56-моддаси биринчи қисми қуйидаги мазмундаги «п» банди билан тўлдирилсин:

«п) ҳукм чиқарилганидан кейин, аммо жазо тўлиқ ўтаб бўлгунга қадар янги жиноят содир этиши, башарти унга нисбатан ушбу Кодекснинг 60-моддаси тартибида жазо тайинлаш мумкин бўлмаса»;

2.25. Жиноят-процессуал кодексининг 490-моддаси бешинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин: *«Юқори инстанция суди асослар мавжуд бўлган тақдирда, маҳкумга Жиноят кодексининг 60-моддаси қоидаларига мувофиқ жазо миқдорини белгилаши, шунингдек уни ўта хавфли рецидивист деб топишга...»* давоми матн бўйича изоҳлаш таклиф этилади.

**SCIENTIFIC COUNCIL AWARDING SCIENTIFIC DEGREES
DSc.07/13.05.2020.Yu.22.03 AT THE TASHKENT STATE UNIVERSITY OF
LAW**

TASHKENT STATE UNIVERSITY OF LAW

NAZAROV MUKHAMATALI AZIMOVICH

**SENTENCING OF PUNISHMENT IN THE CRIMINAL LAW OF THE
REPUBLIC OF UZBEKISTAN**

12.00.08 – Criminal law, prevention of offenses.
Criminal-executive law. Criminology

ABSTRACT
of doctoral (Doctor of Philosophy) dissertation on legal sciences

Tashkent – 2020

The theme of the Doctoral dissertation (Doctor of Philosophy) was registered at the Supreme Attestation Commission under the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan under the number № B2020.1.PhD/Yu348.

The dissertation is prepared at the Tashkent State University of Law.

The abstract of the dissertation is posted in three languages (Uzbek, Russian and English (summary)) on the website of the Scientific Council (www.tsul.uz) and Informational Educational Portal “Ziyonet” (www.ziyonet.uz).

Supervisor:	Rustambaev Mirzayusup Hakimovich Doctor of Science in Law, Professor
Official opponents:	Axmedova Guzalxon Utkirovna Doctor of Science in Law, Acting Associate Professor
	Palvanov Marat Biyembetovich Doctor of Philosophy in Law, Associate Professor
Leading organization:	Karakalpak State University named after Berdak

The defence of the dissertation will be held on June 5th 2020, at 14:00 at the Session of the Scientific Council DSc.07/13.05.2020.Yu.22.03 at the Tashkent State University of Law. (Address: 100047, Sayilgoh Street, 35, Tashkent city. Phone: (99871) 233-66-36; fax (998971) 233-37-48; e-mail: info@tsul.uz).

The doctoral dissertation (PhD) is available at the Information-Resource Center of the Tashkent State University of Law (registered under number №914), (Address: 100047, Tashkent, A.Temur Street, 13. Phone: (99871) 233-66-36).

The abstract of the dissertation submitted on 13 March 2020.

(Registry protocol №18 on 13 March 2020)

U.A.Tuxtasheva

Chairwoman of Scientific Council for awarding scientific degrees, Doctor of Science in Law, professor

D.G.Kamalova

Secretary of Scientific Council for awarding scientific degrees, Doctor of Philosophy in Law

G.Z.Tulaganova

Chairwoman of the Scientific Seminar at the Scientific Council awarding scientific degrees, Doctor of Science in Law, professor

INTRODUCTION (abstract of PhD thesis)

The aim of the research is a comprehensive study of legal relations related to the imposition of criminal penalties by the courts, a comparative legal analysis of international and domestic standards and the main criminal law problems associated with the application of punishment, as well as the development of scientifically based recommendations aimed at the correct application of criminal norms legislation in the application of punishment.

The subject of the study is the system of criminal legal and other public relations related to the imposition of criminal punishment.

The scientific novelty of the study is as follows:

justified the necessity of taking into account a number of circumstances regarding the identity of the guilty person (the presence or absence of aggravating (mitigating) circumstances, the possibility of not imposing a sentence, the possibility of recognition as a particularly dangerous recidivist, the type of colony serving a sentence, the possibility of serving part of the sentence in prison, the existence of grounds for civil lawsuit, as well as the possibility of compensation, the existence of grounds for applying coercive measures of a medical nature), the need for a set of these circumstances separately for each guilty person and act, as well as regarding the appointment of an educator in relation to minors sentenced to punishment not related to deprivation of liberty;

the conditions for qualifying and imposing punishment for the actions of the guilty person whose act contains signs of crimes stipulated by different parts of the same article of the Special Part of the Criminal Code are more clearly defined;

the circumstances of the court's decision are clearly defined in cases of conviction followed by release from punishment, as well as conviction without sentencing;

reasonable proposals are given for a more precise definition of the conditions for the appointment and serving of various types of criminal punishment (fine, correctional labor, restriction of liberty);

additional prohibitions (restrictions) on serving the sentence in the form of limitation of freedom, which the court can impose on the guilty person, are proposed, and the conditions for recognizing the malicious evasion of the convicted person from serving this punishment are determined.

Implementation of research results. The results of the dissertation were used in:

proposals regarding the inclusion of a new punishment in the form of compulsory community service were used in drafting the Law of the Republic of Uzbekistan dated March 29, 2017 «On Amendments and Additions to Certain Legislative Acts of the Republic of Uzbekistan in Connection with the Adoption of Additional Measures to Ensure Reliable Protection of Rights and freedoms of citizens», according to which the Criminal Code of the Republic of Uzbekistan is supplemented by articles 451, 821 «Mandatory community service», article 43 is supplemented by paragraph b1 «obligate flax public works», Article 81 is supplemented with Clause 1a «mandatory community service» (letter ref number

06-13 / 2104 of October 19, 2019.). Taking these suggestions into account served to differentiate punishments and introduce penalties in the form of compulsory community service not related to imprisonment;

proposals regarding the court's account when convicting a person's identity, qualifications and sentencing for the actions of the guilty person, whose deed contains signs of crimes stipulated by different parts of the same article of the Special Part of the Criminal Code, as well as recommendations on cases of conviction followed exemption from punishment, as well as conviction without sentencing, were introduced in paragraphs 11, 27, 28, 29, 32 of the Resolution of the Plenum of the Supreme st Court of the Republic of Uzbekistan from May 23, 2014 № 7 «On the court verdict» (reference number 04 / 25.01.2016). Taking these proposals into account served to ensure justice and human rights at a higher level in sentencing, as well as a more complete consideration of the circumstances regarding the conviction;

proposals regarding the concretization and more precise definition of the conditions for the appointment and serving of various types of criminal punishment (fine, correctional labor, restriction of liberty), as well as the introduction of additional prohibitions (restrictions) when serving a sentence in the form of limitation of freedom, which the court may impose on the guilty person, conditions recognition of the convicted person's malicious evasion from serving this type of punishment was used when making additions to paragraphs 12, 21, 22, 23, 24, 251, 252, 253, 254, 255, 256, 28, 38 of the Resolution of the Plenum of the Supreme uda of the Republic of Uzbekistan dated November 13, 2015 «On Amendments and Additions to Some Decisions of the Plenum of the Supreme Court of the Republic of Uzbekistan» (certificate No. 04 / 11-122-16 of 03/17/2016). Taking these proposals into account served to more fully take into account the identity of the guilty person, to specify the conditions for sentencing and to improve the practice of applying laws.

Structure and volume of dissertation. The dissertation consists of an introduction, three chapters, conclusion and list of used literature, as well as applications. The volume of the dissertation is 150 pages.

ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ИШЛАР РЎЙХАТИ
СПИСОК ОПУБЛИКОВАННЫХ РАБОТ
LIST OF PUBLISHED WORKS

I часть (I бўлим; I part)

1. М. Назаров. Некоторые вопросы назначения наказания при совершении нескольких преступлений. // Бюллетень Верховного суда Республики Узбекистан. № 4, 2012. С. 49 – 53 (12.00.00 №10);
2. М. Назаров. Суд ҳукми қонуний, асосли ва адолатли бўлиши шарт. // Ҳуқуқ ва бурч, № 6, 2014. С. 12 – 15 (12.00.00 №2);
3. М. Назаров. Вопросы, возникающие при назначении уголовного наказания и возможные пути их разрешения. // Бюллетень Верховного суда Республики Узбекистан. № 3, 2014. С. 50 – 56 (12.00.00 №10);
4. М. Назаров. Понятие и сущность института назначения более мягкого наказания. // Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг ахборотномаси. № 3, 2015. С. 21 – 24 (12.00.00 №12);
5. М. Назаров. Применение наказания в виде ареста. // Бюллетень Верховного суда Республики Узбекистан. № 3, 2015. С. 52 – 53 (12.00.00 №10);
6. М. Назаров. Понятие и содержание наказания в виде ограничения свободы. // Бюллетень Верховного суда Республики Узбекистан. № 6, 2015. С. 43 – 47 (12.00.00 №10);
7. М. Назаров, О.Махкамов. Озодликдан чеклаш жазоси: миллий қонунчиликда ўзгаришлар ва халқоро тажриба. // Бюллетень Верховного суда Республики Узбекистан. № 3, 2016. С. 5 – 7 (12.00.00 №10);
8. М. Назаров. Озодликни чеклаш жазоси. // Ҳуқуқ ва бурч, № .6, 2016. С. 18-19 (12.00.00 №2);
9. М. Назаров. Понятие признаков и целей наказания. // Журнал юридических исследований. Издательство ООО «Научно-издательский центр ИНФРА М» (Москва). Том 4, № 3. 2019. С. 68-76. (12.00.00 № 42. РИНЦ 55106).
10. М. Назаров. Назначение наказания в Республике Узбекистан: современное состояние и дальнейшие перспективы развития. Материалы международной научно-практической конференции 15-16 сентября 2015 года «Актуальные вопросы совершенствования уголовного судопроизводства: опыт Узбекистана и зарубежная практика». // Верховный суд Республики Узбекистан, Министерство внутренних дел Республики Узбекистан. Vaktria press. С. 17-22;
11. М. Назаров. Назначение наказания в виде лишения свободы. Сборник республиканской научно-практической конференции 15 апреля 2016 года на тему: «Вопросы совершенствования системы уголовного наказания в условиях судебно-правовых реформ и либерализации уголовного законодательства». Тошкент. ТДЮУ, 2016. С. 42-52;
12. М. Назаров. Назначение наказания по нескольким приговорам.

Materiály XV MEZINÁRODNÍ VĚDECKO-PRAKTICKÁ KONFERENCE. NASTOLENÍ MODERNÍ VĚDY – 2019. 22-30 září. Volume 6. Praha. Publishing House “Education and Science” 2019, С.67-74;

13. М.Назаров. Уголовная ответственность и её отличие от наказания. Материали XXV Международна научна практична конференция БЪДЕЩЕТО ВЪПРОСИ ОТ СВЕТА НА НАУКАТА – 2019, 15-22 декември 2019 г., VOLUME 14. София. «БялГРАД-БГОД» 2019. С. 97-106;

II часть (II бўлим; II part)

14. М.Назаров. Назначение наказания в уголовном праве Республики Узбекистан. Ташкент. «Адолат», 2013, 163 стр.;

15. М. Назаров. Понятие, содержание и цели уголовного наказания. The definition, content and objective of the criminal punishment. // The USA Journal of Applied Sciences. #2, 2016. С. 31-33;

16. М. Назаров. Ограничения назначения наказания в виде лишения свободы. ТДЮИ илмий мақолалар тўплами // 2005, № 2, С. 57 – 65;

17. М.Назаров. Назначение более мягкого наказания. Ҳуқуқшунос. Общественно-правовой, научно-популярный журнал. // 2012. № 4, С. 19 – 21.

Автореферат «ТДЮУ Юридик фанлар Ахборотномаси» журнали тахририятида тахрирдан ўтказилиб, ўзбек, рус ва инглиз тилларидаги матнлар ўзаро мувофиқлаштирилди.

Босишга рухсат этилди: 10.03.2020.
Бичими: 60x84 1/8. «Times New Roman»
гарнитурда рақамли босма усулида босилди.
Шартли босма табағи 3. Адади:100.
Буюртма: № 16
100060, Тошкент, Я. Ғуломов кўчаси, 74.

«TOP IMAGE MEDIA»
босмахонасида чоп этилди.